

**Toshkanov Nurbek Bahriiddinovich**

*TDYU tayanch doktoranti,  
TDYU qoshidagi akademik litsey katta o‘qituvchisi*

**SANOAT KOOPERATSIYASI – INTELLEKTUAL MULKNI  
TIJORATLASHTIRISH USULI SIFATIDA**

---

**Toshkanov Nurbek Bahriiddinovich**

*PhD student of TSUL, Senior lecturer at the Academic Lyceum  
of the Tashkent State University*

**INDUSTRIAL COOPERATION AS A METHOD OF TRADE IN  
INTELLECTUAL PROPERTY**

---

**Тошканов Нурбек Баҳриддинович**

*Докторанты ТГЮУ,*

*Старший преподаватель Академического лицея Ташкентского  
государственного университета.*

**ПРОМЫШЛЕННАЯ КООПЕРАЦИЯ КАК СПОСОБ ТОРГОВЛИ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТЬЮ**

---

**Саноат кооперацияси – интеллектуал мулкни  
тижоратлаштириш усули сифатида**

**Аннотация.** Бугунги кунда интеллектуал мулк обьектларини белгиланган тартибда муҳофазага олиш ва тижоратлаштириш ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда интеллектуал мулк тизимини ҳар томонлама ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва тижоратлаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Олиб борилаётган самарали ва салмоқли ишларга қарамасдан интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш ва уларнинг яратилишини хусусий сектор томонидан молиялаштириш даражаси юртимизда пастлигича қолмоқда. Муаллиф шу ва шу каби бошқа муаммоларга ечим топиш мақсадида интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш усулларидан бири бўлган саноат кооперацияси (стратегик альянс)ни ташкил этиш ва фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ҳамда фуқаролик ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган.

Юртимизда мазкур кооперация тури фаолияти қандай йўлга қўйилаётганлиги юзасидан ҳам амалий мисол келтириб ўтилган. Муаллиф миллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарапшлари, миллий ва хорижий давлатларнинг амалий тажрибасига асосланган ҳолда тегишли хулосаларга келган ҳамда уларни асослаб ўтган. Мақола сўнгидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир нечта умумий ва маҳсус таклифлар келтирилган бўлиб, мақолада келтирилган фикрлардан амалдаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш бўлган.

**Калим сўзлар.** Кооперация, саноат кооперацияси, стратегик альянс, кластер, R&D

**Аннотация.** Сегодня крайне важно сохранить объекты интеллектуальной собственности и коммерциализировать эти объекты. Для этих целей Узбекистан намерен провести обширные сложные процедуры, в частности, перерегулировать законодательство об интеллектуальной собственности и обеспечить ее защиту и коммерциализацию. Несмотря на эти усилия, финансирование объектов интеллектуальной собственности частными компаниями остается относительно низким. В связи с этим автор проанализировал новую форму сотрудничества — стратегический союз или производственную кооперацию для преодоления этих проблем. На нескольких примерах показано, как сегодня в Узбекистане действует создание стратегического альянса. На основе отечественной и зарубежной практики и теоретических разработок ученых делаются некоторые обоснованные выводы. Кроме того, автор вносит ряд изменений и дополнений в действующее гражданское законодательство с целью улучшения механизмов работы нового проекта.

**Ключевые слова:** Кооперация, промышленная кооперация, стратегический альянс, кластер, R&D

**Abstract.** Today it is quintessential to preserve the objects of intellectual property and to commercialise those objects. For those purposes, Uzbekistan aiming to undertake vast complex procedures particularly re-regulate intellectual property legislation and assuring its protection and commercialization. Despite of those efforts financing intellectual property objects by private companies remains relatively low. In these regard, author analyzed a new form of cooperation — strategic alliance or industrial cooperation in order to overcome those issues. It is showed that how creating strategic alliance has been operating today in Uzbekistan with several examples. On the basis of national and international practice and theoretical contributions of scholars makes some grounded conclusions. Moreover, author provides several amendments

and supplements current civil-legislation in order improve operational mechanisms of the new project.

**Key words:** Cooperation, industrial cooperation, strategic alliance, cluster and R&D

Кооперациялар ривожланган давлатларда иқтисодиётни ривожлантирувчи омилга айланганига анча йиллар бўлди. Мазкур турдаги юридик шахслар иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқда. А.Сафарованинг таъкидлашича, кооперация бу – қонуний умумижтимоий ёки иқтисодий мақсадга эришиш учун ихтиёрий равишда бирлашган, талаб қилинадиган капиталга тенг улушларни қўшган ва таваккалчилик ва фойдаларнинг адолатли улушкини қабул қилган, умумий қабул қилинган кооперация тамойилларига мувофиқ иш олиб борувчи шахсларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бирлашмаси бўлиб, бугунги кунда дунё давлатларида кооперацияларга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили сифатида қаралади<sup>1</sup>. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги 295-ХП-сон Конуни 1-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборат»<sup>2</sup> эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун қабул қилинганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлиб, унинг ўша давр заруратидан келиб чиқсан ҳолда, асосан, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик ва ҳунармандчилик каби соҳалар учун мўлжаллаб қабул қилинганлиги сабабли ўзида бугунги кун бозор муносабатлари талабларини акс эттирмайди.

Сўнгги йилларда олиб борилган ислохотлар, бозор муносабатларининг иқтисодиётда янада чукурроқ ифода топиши натижасида кооперацияларнинг иқтисодиётдаги улуши кенгайди ва аҳамияти ортди. Мазкур турдаги иқтисодиёт субъектларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Кластерлар ҳам корхона ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг кооперациялашувининг яққол мисоли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёning кўплаб мамлакатлари турли тармоқларида кластерлар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясида тегишли

<sup>1</sup> А.Сафарова. Кооперация соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш зарурати. Нишуq va burch, 9/2021, 26-бет.

<sup>2</sup> 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги 295-ХП-сон Конуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

давлат тузилмалари 2011 йилда хукумат топшириғига кўра жамоавий уйғунлашув асосида худудий инновацион кластерларни ривожлантириш дастурига киритиш учун лойиҳаларнинг икки босқичли танловини ўтказган. Давлат ва хўжалик органлари, етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилигининг 100 дан ортиқ мутахассисларини жамлаган маҳсус ишчи гурӯҳ лойиҳаларни саралашга жалб этилган. Натижада давлат томонидан қўллаб-қувватланган, жаҳонда рақобатбардош, ўзида илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини мужассамлаштирган, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги билан ажралиб турадиган, мулкчилик туридан қатъий назар соҳадош кичик корхоналарнинг кооперациялашувини таъминлаган (биринчи босқичда 37 та, иккинчи босқичда 25 та) худудий кластер лойиҳаларини жорий этилишига эришиб, худудларнинг тезкор юксалишига замин яратган<sup>1</sup>.

Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёдаги илгор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан зиёди шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил қилади.

Буни қарангки, уларнинг энг машҳури сизу бизга таниш бўлган “Силикон водийси”дир. 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар фаолият юритадиган мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатиб келади<sup>2</sup>.

Мазкур ҳолат бутун жаҳон учун инновациялар ватанига айланган Силикон водийсида ҳам интеллектуал мулк обьектларини яратиш бўйича кластер тизими, яъни кооперациялашган тизим амал қилишини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, қўшма корхоналар ёки стратегик альянслар шаклидаги саноат кооперацияларининг интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштиришдаги ўрни юқори эканлигини англаш мумкин.

Л.М.Куприянованинг фикрича, саноат (ишлаб чиқариш) кооперацияси мазмунига кўра интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни қўшма корхона доирасида ўтказишдан иборат. Асосий функцияси тадбиркорлик таваккалчилиги ва ишлаб чиқаришдаги узилишларни минимум даражасига

<sup>1</sup> Ф.Рахимов, Б.Усманов, Х.Кушиев. Кластер назарияси ва унга амалий ёндашувлар. <http://mineconomy.uz/uploads/%D0%9A%D0%9B%D0%90%D0%A1%D0%A2%D0%95%D0%A0%202020.pdf>

<sup>2</sup> С.Махсумов. Кластер – рақобатда ютиб чиқишининг энг оқилона йўли. <https://xs.uz/uzkr/post/klaster-raqobatda-yutib-chiqishning-eng-oqilona-joli>

тушириш ҳисобланади. Афзаликлари янги бозорларга чиқиш имкониятининг пайдо бўлиши ва бозорда жорий қилиш харажатларининг камайишида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Н.А.Тихоновнинг таъкидлашича, тадқиқотдан то захиралар таъминоти, савдо ва ундан кейинги хизмат кўрсатишгача тўла-тўкис қамраб олинган, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини бирлаштирган, маълум маҳсулот яратишда қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг вертикал технологик тизимидағи жамланмасига саноат кооперацияси дейилади<sup>2</sup>.

Гарчи жаҳонда интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштиришда саноат кооперацияси салмоқли ўрин эгалласада, унинг бой тажрибаси ўзбек иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлари томонидан чуқур ўрганилаётганига қўп бўлмади. Ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан Б.Ходжаев саноат кооперациясига интенсив технологик алмашинувни таъминлайдиган технологияларни тижоратлаштириш шакли сифатида таъриф беради<sup>3</sup>.

Саноат кооперацияси шаклида технологияларни, яъни интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш борасида ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида келишув тузилади. Мазкур келишув доирасида маҳсулотларни тўғридан-тўғри ёки ўзаро етказиб бериш (сотиш ва сотиб олиш) ёки хизматлар кўрсатишдан ташқари тарафлар ўртасида ўзаро қўшимча фойда олишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорлик амалга оширилади. Кооперация келишуви қўйидаги сабабларга кўра тузилади:

- 1) техник билим (кўникма)ларни эгаллаш ва тақсимлаш;
- 2) ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун қулай шароитларни излаш;
- 3) ишлаб чиқариш миқдори ва ихтисослашувини ошириш;
- 4) маҳсулот етказиб бериш учун янги бозорларни қидириб топиш;
- 5) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва х.к.

Ривожланган хорижий мамлакатларда саноат кооперациялари қўшма корхоналар ва стратегик альянслар шаклида ташкил қилинади. Қўшма корхоналар ва стратегик альянсларни ташкил этиш интеллектуал мулк ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказиб бериш билан бирга бундай ҳуқуқлардан мустақил фойдаланишни сақлаб қолиш имконини берувчи йўллардан бири ҳисобланади. Бунда технологиялар биргаликда яратилади ва биргаликда тасарруф этилади.

<sup>1</sup> Куприянова Л. М. Эффективная модель коммерциализации интеллектуальной собственности. Мир новой экономики. 2019; 13(1), Стр. 106. DOI: 10.26794/2220-6469-2019-13-1-104-110

<sup>2</sup> Тихонов Н.А. Эффективность способов коммерциализации инноваций / Н.А.Тихонов // Управление экономическими системами – 2012 - №4 – С.104.

<sup>3</sup> Интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш: услубий қўлланма/ Б.Ходжаев ва бошқалар. – Т.: “LESSON PRESS”, 2021 й. – 34-бет

Саноат кооперацияларида бўлгани каби биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш икки ёки ундан ортиқ мустақил корхоналар кооперациясини назарда тутади, бунда:

- илмий-техник ишланмалар эгаси интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мулкий ҳуқуқни сақлаб қолган ҳолда уларни бепул ишлаб чиқиш имконига эга бўлади;
- технологияни топширган тараф интеллектуал фаолият натижасини тижоратлаштиришдан келадиган ҳар қандай даромадни олишда иштирок этади;
- қўшма корхона тузилаётганда технологияга эгаси технологияни янги ташкил этилаётган корхона устав капиталига улуш сифатида ўтказиб беради<sup>1</sup>.

Мутлақ ҳуқуқлардан тижоратда фойдаланишнинг усулларидан яна бири *тижорат альянси* бўлиб, бунда мустақил корхоналар интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришда иқтисодий ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Яъни тижорат альянсида тадбиркорлик субъектлари ўзаро фойдалилик асосида интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш йўлида иқтисодий алоқаларини ўрнатган ҳолда бозорда ўзларининг ўринларини мустаҳкамлашга эришадилар.

Айрим америкалик олимлар *стратегик альянс* тушунчасига “ фирмалар ўртасидаги оддий савдо операциялари доирасидан ташқарига чиқувчи, аммо фирмаларнинг бирлашувига олиб келмайдиган узоқ муддатли келишуввлар” сифатида таъриф берганлар.<sup>2</sup> Бироқ амалда мазкур таъриф альянснинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Биринчи навбатда, стратегик альянс – бу ресурсларни бирлаштириш ҳисобига тижорат мақсадларига эришиш учун икки ёки ундан ортиқ фирмаларнинг кооперацияси бўлиб, бунда фирмалар ўзларининг юридик мустақиллигини сақлаб қоладилар. Жаҳон амалиётида кўплаб илмий-техник альянсларга мисоллар мавжуд, масалан, 2010 йилда Toyota ва Tesla компаниялари Tesla электродвигателлари билан жиҳозланган Toyota RAV4 электромобилларини ишлаб чиқиш учун стратегик альянс ташкил этганлар. Toshiba компанияси Motorola, IBM, Siemens, Ericson ва Time Warner каби компаниялар билан биргаликда иш олиб борган<sup>3</sup>. Шунингдек, улар биргаликда иш олиб бориш билан бирга қайсиdir фаолият соҳасида ўзаро рақобатга

<sup>1</sup> Intellectual Property Commercialization: Policy Options and Practical Instruments. United Nations, Geneva (Switzerland), 2011. <https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/publications/ip.pdf>

<sup>2</sup> Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./Под ред. и с предисловием В. Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993, 86 с.

<sup>3</sup> Д.М.Дмитриева. Стратегические альянсы как форма международного экономического сотрудничества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2014. Стр. 10

киришиши ҳам мүмкін. Бу бүйіча мисолларни қуйидаги жадвалда күришингиз мүмкін:

1-жадвал<sup>1</sup>

| Альянс                          | Хамкорлик соҳаси   | Рақобат соҳаси  |
|---------------------------------|--|---|
| Xerox ва Fuji Xerox             | <ul style="list-style-type: none"> <li>Нұсха күчириш технологияларини яратиш;</li> <li>АҚШ ва Осиё минтақасыда нұсха күчириш техникаси маркетинги;</li> <li>Принтер технологиялари ва принтерларнинг глобал савдоси</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Алоҳида нұсха күчириш технологиялари;</li> <li>Алоҳида компонентларни ишлаб чиқариш</li> </ul> |
| Honeywell ва Yamatake-Honeywell | <ul style="list-style-type: none"> <li>Назорат қилиш технологияларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;</li> <li>Японияда назорат қилиш технологиялари савдосини кенгайтириш</li> </ul>   | Осиёнинг айрим мамлакатларида маркетинг   |
| Hewlett-Packard ва Yokogawa-HP  | <ul style="list-style-type: none"> <li>Японияда компьютерлар савдоси;</li> <li>Яримўтказгичлар назорати учун ускуналарни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш</li> </ul>  | -   |
| Fujitsu и Amdahl                | <ul style="list-style-type: none"> <li>Биргаликда ишлаб чиқилған ишланмаларнинг АҚШдаги савдоси;</li> <li>Универсал компьютер технологияларини ривожлантириш</li> </ul>  | Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бўлиниши   |
| IBM ва Toshiba                  | <ul style="list-style-type: none"> <li>Япалоқ (плоск) экранларни тадқиқ қилиш ва яратиш;</li> <li>Япалоқ экранларни ишлаб чиқариш</li> </ul>   | Ноутбуклар савдоси  |
| Sun ва Fujitsu                  | <ul style="list-style-type: none"> <li>Микропроцессорларни тадқиқ қилиш ва яратиш;</li> <li>Компьютер технологиялари (SPARC архитектурасини ишлаб чиқиш;</li> </ul>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>Микропроцессорларни ишлаб чиқариш;</li> <li>Японияда ишчи станциялар савдоси</li> </ul>        |
| Hewlett-Packard ва Apple        | <ul style="list-style-type: none"> <li>Микропроцессорларни тадқиқ қилиш ва яратиш;</li> <li>Технологияларни ўтказиб бериш (трансфер)</li> </ul>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>Микропроцессорларни ишлаб чиқариш;</li> <li>Японияда ишчи станциялар савдоси</li> </ul>        |
| IBM ва Apple                    | Компьютер технологиялари (PowerPC архитектураси)   | Компьютерлар ва операцион тизимлар савдоси  |
| IBM ва Motorola                 | <ul style="list-style-type: none"> <li>Компьютер технологиялари (PowerPC архитектураси);</li> <li>Микропроцессорларни тадқиқ қилиш ва яратиш</li> </ul>  | Микропроцессорларни ишлаб чиқариш ва сотиш  |

R&D (Research and Development, янги маҳсулот ёки тизимни саноатда ишлаб чиқаришдан олдин, яъни илмий тадқиқотлар доирасига кириб кетувчи прототиплар ва кичик ҳажмдаги маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришни ўз

<sup>1</sup> А.Бабина. Международные стратегические альянсы. Банкаўскі веснік, Каstryчнік, 2007. Стр. 46

иичига олган ишлар мажмуи<sup>1)</sup> соҳасида стратегик альянс ўзига хос ноёб лойиҳаларни амалга оширишда, инвестицион лойиҳаларда таваккалчиликни камайтиришда рақобатчиларнинг илмий-техник салоҳиятини бирлаштиришга имкон яратади, бироқ компания ноу-хау билан ишлайдиган бўлса, интеллектуал мулк хукуқининг бузилиши хавфи доимо мавжуд бўлади.

Иккинчидан, бундай стратегик альянсларда иштирок этиш, албатта, эришилган натижаларни ҳамкорликда ривожлантириш учун яхши йўл ҳисобланади, бироқ ушбу ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш тегишли ресурс ва харажатларни талаб қиласди. Қолаверса, стратегик шерикнинг кейинчалик ҳамкорлик қилишдан бош тортиши сарфланган ресурсларни йўқотиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигидаги стратегик альянс икки усулда амалга оширилиши кенг кузатилади: қарама-қарши лицензиялаш усули орқали ёки муайян интеллектуал мулк обьектига (қўшма тадқиқотлар натижасида яратилган интеллектуал мулк обьектига) нисбатан биргалиқдаги хукуқларни расмийлаштириш (бошқариш) орқали амалга оширилади.

Стратегик альянс доирасида кўпинча қарама-қарши лицензия (*крос лицензия*) механизми қўлланилади. Лицензиянинг ушбу тури лицензия шартномасини тузишда патент эгаларининг хукуқларини ўзаро ўтказиб бериш, яъни шерикларнинг ҳар бирига тегишли интеллектуал мулк обьектларидан ўзаро фойдаланишга рухсат беришни назарда тутади. Бундай лицензиялар амалда ҳамкор шериклар бир-бирларининг хукуқларини бузмасдан ўз фаолиятини амалга ошира олмайдиган тақдирда қўлланишини кузатиш мумкин.

Содда қилиб айтганда, саноат кооперациялари ҳам, стратегик альянслар ҳам интеллектуал мулк обьектларини тијоратлаштиришда лицензиявий муносабатларнинг бир тури ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, кооперациялар нафақат қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм, балки иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) Саноат кооперацияларини яратишда ихтирочи-новаторларнинг интеллектуал мулк обьектига бўлган хукуқлари сақланиб қолади. Бунинг натижасида ихтирочилар учун мазкур обьектлардан доимий ва барқарор даромад олиб тuriш имконияти вужудга келади;
- 2)

<sup>1</sup> И.Якубова. Интеллектуал мулк – инновацион ривожланишнинг зарурий омили. <https://yuz.uz/news/intellektual-mulk--innovatsion-rivojlanishning-zaruriy-omili>

3) Бизнесда аллақачон ўз ўрнига эга бўлган ва бозорда танилган тадбиркорлик субъектлари ўзларининг мустақилликларини сақлаб қолган ҳолда маълум бир иқтисодий мақсад йўлида бирлашадилар;

4) Саноат кооперациялари қўшма корхона шаклида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бундан, асосан, ҳалқаро ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишда кенг фойдаланилади;

5) Бозорда ўз ўрнига эга бўлган субъектларнинг ўзаро кооперация битимларини тузиши кооперацияни ташкил этишдан кўзланган мақсад муваффақиятсизликка учраши мумкинлиги хавфини камайтиради, айни пайтда, фойда олиш имкониятини оширади;

6) Саноат кооперациялари маҳсулотни амалга жорий этишнинг “тадқиқот – яратиш – ишлаб чиқариш – бозорга жорий қилиш” босқичлари узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга хизмат қиласиди;

7) Саноат кооперациясида ўзаро рақобатда бўлган ёки рақобатда бўлмаганлигидан қатъи назар ҳар қандай компаниялар бирлашиши мумкин, чунки кооперациянинг ушбу турида ҳар икки тараф учун фойдали битим тузилади. Томонлар ундан бирдек манфаатдор бўладилар. Шу билан бирга, томонлар айрим соҳада ҳамкор, айрим соҳада эса рақобатчи бўлишлари ҳам мумкин.

Хулосаларда санаб ўтилган ҳолатлар бугунги кун ҳаётимизда қисман ўз ифодасини топмокда. Масалан, Евropa Иттифоки томонидан молиялаштирилган, Германия Ҳалқаро ҳамкорлик жамиятининг “Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш” лойиҳаси ҳажмида Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Дехқонобод маҳалласида “Дехқонобод Асл Анори” ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти йўлга қўйилган<sup>1</sup>. Мазкур кооператив амалиётига “Маҳаллий анор (*Punica granatum L.*) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик хусусиятлари ва микр клонлаш истиқболлари” мавзусида фан ва олий таълим илмий ютуқлари сингдирилган докторлик (PhD) диссертация натижалари вилоятида анорчилик агротехнологиясидан бошланиб, уни экспортга йўналтириш, шарбат ишлаб чиқариш ва иккиласи чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ барча жараёнларни ўзида мужассамлаштирадиган анорчилик кластерини шакллантириш имкониятини яратган. Бунда бевосита янги маҳсулот ёки тизимни саноатда ишлаб чиқаришдан олдин, яъни илмий тадқиқотлар доирасига кириб кетувчи прототиплар ва кичик

<sup>1</sup> Мирзаобода анордан табиий шарбат ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлади.  
<https://xs.uz/uzkr/post/mirzaobodda-anordan-tabiij-sharbat-ishlab-chiqaрадиган-korkhona-ish-boshladi>

ҳажмдаги маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ишлар мажмуи (R&D) тўлигича амалга оширилган.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлар ва холосаларга кўра интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш усуллари ҳамда улардан бири сифатида саноат кооперацияси (стратегик альянс)ни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини янги таҳирдаги Фуқаролик кодексида чукурроқ баён этиш, кооперация тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, кооперацияга оддий ширкат шартномаси элементлари мос тушишини инобатга олиб, мазкур шартнома тури бўйича фуқаролик қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш зарур бўлади.

### АДАБИЁТЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. А.Сафарова. Кооперация соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш зарурати. Нишуq va burch, 9/2021, 26-бет.
2. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги 295-ХII-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
3. Ф.Рахимов, Б.Усманов, Х.Кушиев. Кластер назарияси ва унга амалий ёндашувлар.  
<http://mineconomy.uz/uploads/%D0%9A%D0%9B%D0%90%D0%A1%D0%A2%D0%95%D0%A0%202020.pdf>
4. С.Махсумов. Кластер – рақобатда ютиб чиқишининг энг оқилона йўли.  
<https://xs.uz/uzkr/post/klaster-raqobatda-yutib-chiqishning-eng-oqilona-joli>
5. Куприянова Л. М. Эффективная модель коммерциализации интеллектуальной собственности. Мир новой экономики. 2019; 13(1), Стр. 106. DOI: 10.26794/2220-6469-2019-13-1-104-110
6. Тихонов Н.А.Эффективность способов коммерциализации инноваций / Н.А.Тихонов // Управление экономическими системами – 2012 - №4 – С.104.
7. Интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш ва баҳолаш: услугий қўлланма/ Б.Ходжаев ва бошқалар. – Т.: “LESSON PRESS”, 2021 й. – 34-бет
8. Intellectual Property Commercialization: Policy Options and Practical Instruments. United Nations, Geneva (Switzerland), 2011.  
<https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/publications/ip.pdf>
9. Порттер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./Под ред. и с предисловием В. Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993, 86 с.

10. Д.М.Дмитриева. Стратегические

альянсы как форма международного экономического сотрудничества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2014. Стр. 10

11. А.Бабина. Международные стратегические альянсы. Банкаўскі веснік, Каstryчнік, 2007. Стр. 46

12. И.Якубова. Интеллектуал мулк – инновацион ривожланишнинг зарурий омили. <https://yuz.uz/news/intellektual-mulk--innovatsion-rivojlanishning-zaruriy-omili->

13. Мирзаободда анордан табиий шарбат ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлади. <https://xs.uz/uzkr/post/mirzaobodda-anordan-tabijj-sharbat-ishlab-chiqaradigan-korkhona-ish-boshladi>